

Обуна индекси – 1323

Ислом тафаккури • Исламская мысль • Islamic Thought • الفكر الإسلامي

Islom tafakkuri

ISSN 2181-9572

*Ислом – тинчлик ва
эзгулик дини*

2024-yil
3-maxsus son

МУНДАРИЖА



З.М.Исломов. “Икки жаҳон қуёши” нинг ёшлар тарбиясидаги ўрни	3
Г.Н.Наврўзова. Тириклик – тинчлик ва хотиржамликдир	6
Н.Мухамедов. Ҳазрати Имом Қафғол Шошийнинг давлатлар ўртасида тинчлик муносабатларини таъминлашдаги ўрни	11
Р.Б.Матибаева, Л.К.Рысбекова. Ислам: ценности добра и мира в контексте исторических и современных реалий	17
С.Н.Джураева. Китоб туманидаги тасаввуф вакиллари номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар.....	22
З.Дж.Арипова. Миср мамлуклари даврида бағрикенглик	27
Д.О.Раҳимжонов. Мовароуннаҳр уламоларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси.....	32
Ш.Бобожонов. Бухоро воҳасида “Етти пир” этимологиясининг шаклланиши	37
М.Алимова. Имом Доримийнинг ислом илмлари ривожига тутган ўрни	41
З.Нажмидинов. Хоразмлик фақиҳ Мухтор аз-Зоҳидий ва унинг ҳанафий фикҳи ривожига тутган ўрни.....	48
A.Turgunova. Islom dinida keksalikning maqomi: tajriba va tarbiya metodlaridan foydalanish.....	53
Н.М.Мулласодиқова, З.Н.Шокирова. “Фотиҳа” сураси оятларининг балоғати	57
Sh.Avazova. Islom huquqida fiqhiy qoidalarning ishlab chiqilishi va ularning ahamiyati	61
С.У.Примов. Имом Абу Ҳанифанинг кадарийларга раддиялари.....	66
Н.К.Ибрагимова. Илк ислом даври халқаро муносабатларида тинчлик ғоялари	71

Муассислар:

Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:

Уйғун ҒАФУРОВ

Нашр учун масъул:

Иродаҳон ҒАФУРОВА

Таҳрир хайъати:

Нурислом ТУХЛИЕВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ
Матлуба КАХХАРОВА
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ
Иродаҳон ҒАФУРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Содиқ ТОШБОЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разия МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:

Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iiu.uz

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича
қўмитасининг 02.10.2024 йилдаги
03-07/5945-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос
олинса, «Ислом тафаккури» журналидан
олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилётгани сабабли
уни ножиоз жойларга ташламанг.

Журналдаги мақолаларда берилган маълумотларнинг
тўғри ва оригиналлиги учун муаллифларнинг шахсан
ўзлари масъулдирлар.

Босишга 16.04.2023 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Оффсет усулида
босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

О.Муҳаммадиев. Исломда тинчлик ва бағрикенглик масалалари	75	F.Z.Kholmuminov. Қуддус – исломнинг тинчлик рамзи	145
I.M.Gafurova. History of orthodoxy and attitude to it in Turkestan	79	Ф.Худойназаров. «Шамоиал-Муҳаммадия» асарига ёзилган шарҳлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	149
S.S.G‘aybullayev. O‘zaro ixtilofli hadislarni tushunish qoidalari	83	У.Жўраев. Исломда тинчлик тушунчаси: назарий асослари ва аҳамияти	154
N.Shoaliyeva. Islom rahmat dinidir	88	G.A.Qamariddinova. Bahouddin Naqshband asoslagan rashhalarda ezgulik masalalari	157
О.Эрназаров. Маданиятлараро мулоқотни шакллантиришда ислом маърифатининг ўрни: Япония мисолида	92	J.A.Turdimirzayev. Sohibqiron Amir Temur va Shohruh Mirzoning ilm-fan taraqqiyotiga qo‘shgan hissasi	160
А.Пардаев. Калом илмининг тарихий асослари	98	М.М.Кадырова. Ислам – религия добра и мира	165
Ш.Р.Тоҳтиев. Особенности шиитских общин Узбекистана (Из истории самаркандских и бухарских «ирони»).....	102	Ж.Н.Халилов. Ёғочга битилган санъат	170
S.Djumanov. Yangi O‘zbekistonda allomalar ilmiy merosini o‘rganish bo‘yicha amalga oshirilgan tadbirlar	106	Ў.Р.Равшанов. Бухоро хусайниялари тарихидан.....	175
Д.К.Сагдуллаева. “Ислом” лексемаси семантик майдонининг маъно хусусиятлари.....	111	R.Hamroqulova. Qur’oni karimdagi ibratli qissalar.....	179
E.X.Zoyirov. Ya’qub Charxiy ta’limotida piri-murshid tushunchasining falsafiy tahlili	115	М.А.Жаҳонгирова. Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик тамойиллари	182
М.М.Агзамова. Ислом динининг асосий манбаларида тинчлик масаласининг ёритилиши	119		
А.Акmalxonov. Islom – ezgulik va tinchlik dini	123		
Ш.Р.Жўраев. Исломнинг эзгулик моҳияти: қуръон ва суннатда тинчлик масаласи.....	126		
С.Х.Умматалиев. Аҳмад Балозурий ҳаёти ва илмий фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.....	130		
Л.Азимова. Ўзбек мумтоз адабиётида инсонпарварлик ғояларининг бадий талқини.....	135		
А.М.Abdupattayev. Muhammad Shahrisoniyning diniy bag‘rikenglik prinsipi	140		



ИСЛОМОВ Зоҳиджон Маҳмудович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,
филология фанлари доктори, профессор
zohidiy@yandex.ru

“ИККИ ЖАҲОН ҚУЁШИ” НИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

ROLE OF “THE SUN OF TWO WORLD” IN UPBRINGING OF YOUTHS

РОЛЬ «СОЛНЦА ДВУХ МИРОВ» В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ

Аннотация: Султон Увайс Қараний “Икки жаҳон қуёши”, “Аман юлдузи”, “Тобейларнинг энг афзали” сифатларига сазовор бўлган зоҳидлик, тақво ва парҳезкорлик билан машҳур бўлган буюк тобейлардан ҳисобланади. У хокисор бўлган, ўзини жуда ҳам камтар тутган, маънавий ҳаёти бошқаларникидан тубдан фарқ қилган, маънан бақувват, иродаси мустаҳкам, комил инсон бўлган. Увайс Қараний Аллоҳ таолони таниган инсонга кумуш ва олтиннинг қадри бўлмаслиги, доимо инсонларни яхшиликка буюриб, ёмонликлардан қайтариш зарурлиги, ҳар қанча қийинчилик ва машаққат бўлмасин ҳақни сўзлаш лозимлигини таъкидлаган.

Калим сўзлар: Султон Увайс Қараний, “Аман юлдузи”, тобейий, камтар, зуҳд, тақво, яхшилик.

Annotation: Sultan Uvais Qarani was famous as “the Sun of the two World”, “the Star of Yemen”, “Distinguished one of Tabiuns”. Also he was distinguished and great tabiun who was famous for his good qualities. He was an ordinary and modest man and his spiritual life differed from others. Also, he was a perfect man with strong spirituality and will power. Uvais Qarani states that silver and gold had no price for those who had known Allah. He also said that it was necessary to call people for good things and to prevent them from bad things and to say the truth in spite of any difficulties.

Keywords: Sultan Uvais Qarani, “the Star of Yemen”, tabiun, modest, zuhd, taqwa, goodness.

Аннотация. Султан Увайс Карани — один из великих сподвижников Пророка Мухаммеда, известный своим аскетизмом и благочестием. Он получил титулы «Солнце двух миров», «Звезда Йемена» и «Лучший из последователей». Увайс был человеком смиренным и очень скромным, его духовная жизнь отличалась от других. Этот праведник обладал невероятной духовной силой, волей и совершенством. Увайс Карани учил, что человек, познавший Аллаха, не придает значения ни серебру, ни золоту. Он всегда должен направлять людей к добру и отворачивать их от зла, говорить правду, как бы тяжело и трудно это ни было. Его жизнь и учение служат ярким примером истинной веры и преданности Аллаху.

Ключевые слова: Султан Увайс Карани, «Звезда Йемена», последователь, скромный, строгость, благочестие, доброта.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида юртимизда ислом динига, хусусан, аждодлар ҳаёти ва илмий-маънавий меросига бўлган юксак эътибор натижаси ўлароқ унутилаёзган қадриятлар қайта тикланди, буюк алломаларимизнинг номлари ва асарлари илмий муомалага киритилди, азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжолари зиёратчилар билан гавжум бўладиган обод гўшаларга айлантирилди. Давлатимизда ушбу қадамжоларга катта эътибор қаратилиши натижасида ушбу ҳудудлар бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатлари ҳамда ички сайёҳларни ўзига жалб қиладиган гўзал ва мухташам зиёратгоҳларга, халқимизнинг миллий қадриятлари бешигига айлана бошлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимиз шухратини дунёга танитган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд каби юзлаб буюк алломаларимизнинг кўним топган муборак мақбалари улғайиб келаётган ёш авлодларга ибрат намунаси, шонли тарихимизнинг нодир ёдгорликлари сифатида қайтадан кўз очмоқда. Мана шундай буюк зотлардан бири Султон Увайс Қараний саналади. Увайс Қараний ва унинг мақбарасига қаратилган эътиборни алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда



МУХАМЕДОВ Неъматулло,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA
кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
n.mukhamedov@iiaa.uz

ХАЗРАТИ ИМОМ ҚАФФОЛ ШОШИЙНИНГ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

ВКЛАД ХАЗРАТА ИМАМА КАФФАЛЯ ШАШИ В ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРНЫХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ГОСУДАРСТВАМИ

ROLE OF HAZRAT IMAM KAFFAL SHASHI IN ENSURING PEACEFUL RELATIONS BETWEEN STATES

Аннотация: Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланган. Шошдан ҳадис, фикҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар “Шоший” нисбаси билан дунёга танилганлар.

Бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмаил Қаффол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига “катта”, “улуғ” маъносини ифодалайдиган “Кабир” сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда ишхрат қозonganлиги боис “Қаффол” яъни, қулфчи, қулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган.

Ушбу мақолада Қаффол Шошийнинг давлат ўртасидаги тинчлик муносабатларини таъминлашдаги ўрни ва дипломатик фаолияти тадқиқ этилган. Жумладан, Византия императорининг хати батафсил ёритилган. Унда Қаффол Шошийнинг византияликлар хатига ёзган ва уларни лол қолдирган шеърий мактуби таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Шош, Шоший, Ҳазрат Имом, қаффол, фикҳ, ҳадис, усул, қулфсоз, Византия, дипломат, шеърий хат.

Аннотация: В средневековых источниках Ташкент именовался как «Шаш». Этот город дал миру множество учёных, чья деятельность была тесно связана с такими исламскими науками, как фикх, хадисоведение и др. К именам учёных, родившихся и творивших здесь, добавляли нисбу (приставку) «Шаши» или позднее (с XVI века) «Ташканди», и под этими именами они стали известны всему мусульманскому миру.

Одним из таких учёных был Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмаил Каффал Шаши. В арабских источниках в знак уважения к его имени добавляется слово «Кабир», означающее «большой», «великий». Первоначально он был искусным ремесленником, изготавливавшим замки, поэтому к его имени добавилась приставка «Каффал», т.е. «изготавливающий замки», «замочник».

В данной статье рассматривается роль и дипломатическая деятельность Каффала Шаши в обеспечении мирных отношений между государствами. В частности, подробно описывается история с письмом византийского императора, на которое, по преданию, Каффал Шаши дал удививший византийцев ответ.

Ключевые слова: Шаш, Шаши, Ҳазрат Имом, қаффал, фикх, ҳадис, усул, замочник, Византия, дипломатия, письмо.

Keywords: Shash, Shashi, Hazrat Imam, kaffal, fiqh, hadith, usul, locksmith, Byzantium, diplomacy, letter.

Annotation: In medieval sources, the city of Tashkent was called Shash. This city produced many scholars whose work was closely connected with Islamic sciences such as fiqh, hadith studies, and others. Scholars born and working here had the nisba (prefix) “Shashi” or later (from the 16th century) “Tashkandi” added to their names, and with these names, they became known throughout the Muslim world.

One such scholar was Abu Bakr Muhammad ibn Ali ibn Ismail Kaffal Shashi. In Arabic sources, the word “Kabir”, meaning “great”, is added to his name as a sign of respect. Initially, he was a skilled craftsman who made locks, which is why the prefix “Kaffal”, meaning “locksmith”, was added to his name.

This article examines the role and diplomatic activities of Kaffal Shashi in ensuring peaceful relations between states. In particular, it details the story of the letter from the Byzantine emperor, to which, according to legend, Kaffal Shashi gave a surprising response that astonished the Byzantines.

КИРИШ

Замондошлари “Ҳазрати Имом” деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига “катта”, “улуғ” маъносини ифодалайдиган “Қабир” сўзини қўшиб ёзадилар [6:130]. Аллома мохир ҳунарманд бўлиб, кулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис “Қаффол” [14:116] яъни, кулфчи, кулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг таҳаллусига айланиб кетган. Бу ҳақда марвлик машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (1113-1167) ўзининг “Ансоб” (“Насабнома”) асарида шундай ёзади: “Қаффол – кулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший Шош аҳлидан бўлиб, кулфсозликда шуҳрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қаффол Шошийнинг номи Мағрибу Машрикқа ёйилган” [1: 211].

Араб муаррихи Шамсуддин Заҳабий (1274-1348) эса уни нафақат Мовароуннаҳр балки Хуросон олими сифатида ҳам эътироф этади: “Аллома, луғат, усул, фикҳ имоми Хуросон олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Шоший Шофибий “Қатта Қаффол” номи билан машҳур бўлган. У зот Мовароуннаҳрда ўз даврининг имоми бўлиб, бир неча китоблар мусаннифи бўлган” [13:283].

Қаффол Шошийнинг обрўётибори ва мавқеи, илмий салоҳияти ҳақида ўрта аср араб муаллифлари ўз асарларида алоҳида таъкидлаб ўтишган.

УСЛУБЛАР

Тадқиқотни ёритиш жараёнида ва унинг методологик асоси ҳамда концепциясини ишлаб чиқишда замонавий тарихий тадқиқот усуллари асос қилиб олинди. Жумладан, тарихийлик, тадрижийлик, ҳаққонийлик, холислик ва илмийлик тамойиллари асосида ёндашилди. Турли манбалар, маълумотларни муомалага киритиш жараёнида улар ҳам қиёсий таҳлил этиш асосида умумлаштирилди.

НАТИЖАЛАР

Ўша даврда давлатлар ўртасидаги тинчлик муносабатларини таъминлашда шошлик алломанинг ўрни ва дипломатик фаолиятига доир баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу ҳақда араб муаррихи Тождудин Абу Наср Абдулваҳҳоб Субкий (ваф. 1370)нинг «Табакот шофибия кубро» асарида маълумотлар берилган. Айни пайтда, ўзбек олимларидан айримлари, жумладан, Нодирхон ибн Алоуддин [9:3-4], Шайх Исмоил Махдум [12:59], Абдусодик Ирисов [2:84-86], Баҳриддин Маннонов [4:25-34] ва бошқаларнинг илмий мақолаларини қайд этиш мумкин.

Маълумки, Қаффол Шоший ислом дунёсининг турли ўлкаларга илммуърифат излаб, сафар қилган. Ўз навбатида у тез-тез ҳажга Маккага борган ва қайтаётганида Бағдодда бирмунча вақт истиқомат қилиб, ўз билимларини янада оширишга ҳаракат қилиб, у ердаги йирик олимлар билан илмий мулоқотлар олиб борган. Бир гал Қаффол Шоший Бағдодда тўхтаганида нохуш воқеа устидан чиқиб қолади. Бу эса ҳижрий сананинг тўртинчи асрига тўғри келиб, Византия императорининг қўмондони Тағфур аббосийлар халифалигига тегишли Шомнинг Шимолий қисми ва Антокияни босиб олиб, халифалик пойтахтига ҳам хавф солган эди.

Шарқшунос олим Баҳриддин Манноновнинг ёзишича, ўз вақтида, яъни, IV асрда Рум империясининг иккига бўлиниб кетиши оқибатида унинг шарқий қисмида қарор топган мустақил Византия империяси X асрга келиб, ўз сарҳадларини қайта тиклаш йўлида катта муваффақиятларга эришади ва унинг таъсир доираси нафақат Болқон ярим ороли ҳамда Шарқий Европанинг маълум қисми, балки Қора денгиз қирғоқлари, Кавказнинг ғарбий қисми, Кичик Осиёнинг шарқигача бўлган жойларда ҳам мустаҳкамланади. Бундай бир шароитда Константинопол Араб халифалиги тасарруфига ўтган сарҳадларни қайтадан забт этиш, иложи борида уни маҳв қилиш режаларини амалга оширишга киришади. Шу мақсадда олиб борилган жангларда Византия қўшинлари бир неча бор ғалабага эришадилар... Ана шундай бир тарихий вазиятда Византия

империясининг Бағдод халифалиги, умуман исломга қарши хуружлари ҳар тарафлама авж олиб кетади. Шу жараёнинг кўринишларидан бири сифатида Тағфур томонидан Бағдод халифасига юборилган ва бизгача етиб келган шеърӣ мактуб-ультиматум вужудга келган [4:28-29].

Ўша даврда Византия ва Араб халифалигида шеърӣятга қизиқиш юксак даражада бўлган. Давлатлар ўзаро алоқаларидаги дипломатик ёзишмалар шеърлар ва қасидаларда ўз аксини топган. Византия императори Араб халифалигига дўк ва пўписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Бағдод халифаси эгаллаб турган ўлкаларни тинчлик билан, осонликча уларга қайтариб беришни талаб қилади. Византия ҳукмдорлари мактубни баландпарвоз чиқиши учун уни араб тилида шеър билан битадилар.

«Ҳошимийлар хонадонидан бўлмиш ҳукмрон халифага» дея аталган шеърӣ мактубда «Биз шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашқ ўлкаси эса отабоболаримиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз. Мисрни ҳам қиличимиз тиғи билан эгаллаймиз. Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуросон, Қуддус, Шарқу Ғарб ҳаммасини эгаллаймиз», деган мазмундаги дўк-пўписалар билан халифа ва унинг саркардаларига дағдага солади, уларни айёрлик билан кўрқитмоқчи ва ниҳоят, уларни осонликча қўлга киритмоқчи бўлади. Худди мана шу воқеалар бўлган кезде Қафғол ашШошӣ Бағдод шаҳрида бўлади. У халифаликда иқтидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина қонуншунос, забардаст шоир сифатида танилган эди [2:85-86].

Мумтоз араб тилининг балоғати ва фасохатида битилган ушбу шеърӣ мактубнинг бир неча мисралари марҳум шарқшунос олим Нодирхон ибн Алоуддин томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Қуйида ундан иқтибос келтирамиз:

*«Дамашқдур отабобомиз юрти,
Унинг заминига мен соҳиб ўзим.
Мисрни фатҳ этгум шамширим билан,
Чексиз саҳроларда қулар юлдузим.
Ундан сўнг Маккага қараб йўл олсам,
Тундек босиб борар ботир қўшимим.»*

*Қуддусга йўл олиб толмасман йўлда,
У ерда тиклагум муқаддас устун...»* [9:9-11].

Ўша вақтда Бағдодда кўзга кўринган олим ва шоирлар кўп бўлса ҳам, ҳеч ким Тағфурнинг бу таҳдид хатига жавоб ёзишга ботина олмайди. Халифа таҳдид хатига жавоб ёзишни Имом Қафғол Шошӣйга топширади. У душман хатига жавобан шундай оташин мисраларни битган:

*Қудратла қувдик биз сизни Рум сари,
Туяқуш мисоли қочдингиз нари.
Қочдингиз қонталаш кирпи сингари,
Бизларни Муҳаммад бошлар илгари!
Пайғамбар ҳурмати, қирмадик сизни,
Бизларда бор эди шиддат ва қудрат.
Шом ерин фатҳ этдик бўлиб зарурат,
Мисрни, Қайравон ва Андалусни ҳам.
Бошингиз мажсақлаб, зўр келдик ҳар вақт,
Байтлаҳм, хароба шаҳарлар қатор.
Искандарияда бўлди зафар ёр,
Қуддус, Урушиолимда галабамиз бор!
Сизларни енғолдик биз мардонавор,
Илм ва ирфонимиз қадимдин машҳур
Сизлар ҳар сифат тубан бир махлуқ.
Бемаза шеърингиз бўлмагай манзур,
Бизнинг ашъоримиз дурдона мақбул.
Билгувчи одамга бағишлар ҳузур...*

Шубҳасиз, Тағфур таҳдид хати орқали мусулмонларнинг ўша вақтдаги маънавий савиясини билмоқчи бўлган. Имом Қафғол Шошӣйнинг шеърӣ мактуби эса унга муносиб жавоб бўлиб, сезиларли зарба бўлиб тушган. Ҳатто Византия адиблари, коҳинлари ҳам: «Мусулмонларнинг шундай шоирлари борлигини билмас эканмиз», деб тан олишгани жуда эътиборлидир. Бу эътирофни Қафғол Шошӣйнинг юртдоши шоир Абдумалик ибн Муҳаммад Шошӣй [7:119-126] ҳикоя қилган. Россиялик шарқшунос проф. С.Прозоров бу борада шундай маълумот беради: “Византия императори Никифор Фоки (963-969) номидан мусулмонларга юборилган ҳақоратли шеърӣ мактубга Қафғол Шошӣйнинг қасидаси юксак даражада ёзилгани византиялик адиблар томонидан эътироф этилган. Кейинчалик асирга тушиб қолган Абдумалик ибн Муҳаммад Шошӣй Константинополда бунинг бевосита гувоҳи бўлган” [10:46].

Қаффол Шошийнинг ушбу дипломатик фаолиятига рус шарқшуноси Нил Лыкошин (1860-1922) (*Лыкошин Нил Сергеевич – асли ҳарбий бўлиб, Туркистон губернаторлиги маъмурияти тизимида бир қанча масъул лавозимларда ишлаган. 1917 йил январда истеъфога чиқиб, 1918-1920 йилларда Тошкентдаги Туркистон халқ дорилфунунида турк тиллари ва этнографияси бўйича дарс берган. У ўлкашуносликка оид 800 га яқин асарлар, Тошкент ҳақида муҳим этнографик маълумотларга эга бўлган*) ҳам юксак баҳо берган. У 1918 йилда Тошкентда ташкил этилган Туркистон халқ (мусулмон) университети очилишида аввало Қаффол Шоший номини эҳтиром билан тилга олган: “Бугун Европа фани Эски Тошкентда гражданлик ҳукукига эга бўлган қувончли бир кунда, Тошкент мусулмонларининг маърифати йўлида жонбозлик кўрсатган фидойи, камтар шахснинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Мен шаҳарнинг Себзор қисмида шу номдаги қабристонга дафн этилган Имом Муҳаммад Қаффол Шоший ёки Ҳазрат Имомни эсладим. Бу шахс билан тошкентлик мусулмонлар фахрланиши керак ва бугун ўзларининг биринчи устозини яхши сўзлар билан хотирлашлари лозим” [3:1].

МУНОЗАРА

Рус шарқшуноси Қаффол Шошийни биринчи устоз сифатида университет жамоасига таништирар экан, алломанинг дипломатик фаолиятига доир тарихий маълумотларни келтиради: “Бундан 950 йил аввал Тошкентда Имом Муҳаммад Қаффол Шоший фақирона ҳаёт кечирган. Унинг иккита лақабидан бири – “Қаффол” дейилиб, у кулфсоз бўлган. Шоший нисбаси эса асли Тошкентдан эканлигини билдирган. Бу адолатпарвар инсон бутун умрини эътиқод талаб қилганидек, яшаб ўтказган: бир йил Тошкентдан ташқарига чиқмай, юртдошларига таълим берган бўлса, кейинги йили илммаърифат йўлида сафарга чиққан ва Ҳажга борган. Алломанинг ҳаёти ва фаолияти шу тарзда ўтган”.

Бу ҳақда мисрлик тарихчи Тожуддин Субкий (ваф. 1370) ўзининг “Табакот шофиъия

кубро” (“Шофиъиянинг улуг табақалари”) китобида “Қаффол Шоший усул, ҳадис илмлари талабида энг кўп сафар қилган олимдир”, деб таъкидлаган [11:152].

Н.Лыкошин фикрларини давом эттирсак, Қаффол Шоший илмий сафарларидан бирида Бағдодга келганида, халифа жуда мушкул аҳволда эди. Халифа билан уруш олиб бораётган Византия императори унга шарт қўйган экан: катта миқдордаги товон(контрибуция)ни тўлаб бериши ёки у билан урушиши лозим эди. Агар бу шартларга рози бўлмаса, унга юборилган мактубни ўқиб, жавоб юбориши керак эди. Дастлабки икки шартни бажариб бўлмасди. Чунки ўша пайтда Бағдод халифаси кўп миқдордаги пул ва катта қўшинга эга эмасди. Хатга эса жавоб бериш осон кўринарди. Лекин хат бағдодлик уламоларнинг бирортаси ҳам ўқий олмайдиган, ҳеч кимга маълум бўлмаган тилда ёзилган эди” [3:1].

Худди шу пайтда Қаффол Шоший Бағдоддаги карвонсаройларидан бирида тўхтаганини ва у кўпгина тилларни яхши билишини халифага етказишади. Шундан сўнг, Қаффол Шоший бу ультиматум шеърий мактубга жавоб ёзади. Шошлик аллома бу хизмати эвазига Бағдодда сақланаётган қўхна Мусҳафи Усмон Қуръонини сўрайди. Ноилож аҳволдаги халифа бунга рози бўлади... Рус шарқшуноси Қаффол Шоший Қуръоннинг бу нодир нусхасини Тошкентга қандай олиб келганини батафсил ёзган.

Машҳур мутасаввиф Хожа Убайдулло Аҳрор (1404-1490) нинг шоғирди Муҳаммад Қози (тахминан 1451-1516) қаламига мансуб “Силсилат алорифин” (“Орифлар силсиласи”) асарида [5:32-33] Ҳазрат Имомнинг дипломатик фаолияти батафсил баён қилинган:

...*Нақлдорки, Ҳазрати Имом Абу Бакр Қаффол Шоший ҳажга кетаётганларида Бағдодга кирибдилар. Бағдодда катта гавго кўтарилган. Румнинг султони иброний тилида Бағдоднинг подшоҳига нома йўллаган экан. Унинг мазмуни шуки, уч ишдан бирини қилмоқ керак: номага жавоб йўлламоқ лозим ёки мол-дунё бермоқ керак ёхуд жангга тайёр турмоқ керак. Улар билан жанг қилишга куч-қудрат йўқ. Талаб қилган мол-дунёсига яраша миқдорда мол-дунё топшиш қийин. Ноилож, иброний*

тилда жавоб йўллашга қарор қилибдилар. Бағдоднинг уламо ва фузалоларини тўплаб, тушунтирибдилар. Ҳаммалари номага жавоб ёзишга ожиз қолибди. Рум подшоҳининг элчиси тез номага жавоб ёзишни талаб қилиб туриб олибди. Шу аснода Ҳазрати Имом Абу Бакр Қафғол ҳазратларининг шаҳарга келганларининг овозаси тарқаб қолибди. Туркистон вилоятидан улуг донишманд келибди, деган хабар Бағдод подшоҳининг қулоғига етказилибди. Элчилар юборилибди, Ҳазрати Имомни эъзоз ва икром билан саройга келтиришибди. Ҳолатни тушунтирибдилар. Рум маликининг иброний мактубини Ҳазрати Имомнинг қўлига тутқазибдилар. «Бунга жавоб ёзмоқ керак!», дебдилар. Нақлдорки, Ҳазрати Имомга кашф билан етмиш икки тил маълум экан. Иброний номага кўз югуртириб чиққанларидан сўнг, «Бале, бунга жавоб ёзаман. Шарт шуки, амир ал-мўъминин Усмон разийаллоҳу анҳунинг мусҳафларини менга берасиз», дебдилар. Подшоҳ рози бўлмабди. Илтимос қила бошлашибди. Қанчалик кўп илтимос қилсалар ҳам, «Мусҳафни берасизлар, жавобни кейин ёзаман», деб туриб олибдилар. Алқисса, подшоҳ ўз уламолари билан маслаҳат қилиб, мусҳафни бермагунча жавоб ёзмас экан, демак, мусҳафни бермоқ керак, дебдилар. Жавоб ёзганларидан сўнг кўп мол-дунё бериб, мусҳафни қайтариб олаверамиз, агар бермаса, зўрлик қилиб тортиб оламиз, дейишибди. Мусҳафни Ҳазрати Имомга берибдилар. Мусҳаф у зотнинг қўлларига келганидан кейин валийлик нури ила уларнинг нима деб маслаҳат қилганларини сезиб, «Менга ўн кун муҳлат беринглар!», дебдилар. Шундай қилишга рухсат беришибди. Ҳазрати Имом мажлисдан тура солиб, жуда чаққон шогирдини тез чопадиган отга миндириб, қўйнига мусҳафни қўйиб, ўн кун ичида Табризгача етиб боришинг керак», деб йўлга равона қилибдилар. Ҳамон соат ўзлари иброний тилда бағоят гўзал ва хушхат иборалар ила таърифига тил ожизлик қиладиган жавоб мактубини ёзибдилар. Ўн кундан сўнг подшоҳнинг элчиси келибди. Номанинг жавобини сўраган экан, қўйнидан подшоҳнинг номаси билан бирга жавоб мактубини унга чиқариб берибдилар. Ўқибдилар, хос ва авомдан «Аҳсанта!» («Гўзал иш қилибсиз!») деган

овозлар чиқибди. Рум подшоҳининг элчиси эса ҳайратга чўмибди. Номанинг жавобини олиб, Рум подшоҳига элтибди. Рум подшоҳи: «мен аниқ биламан, бу замонда Бағдодда бу номага жавоб бера оладиган бирор кимса йўқ», дебди. Элчи эса унга Туркистон вилоятидан бир донишманд келганини ва бу жавобни ўша ёзганини айтиб берибди. Бўлмаса, Бағдоднинг ўз уламолари жавоб ёзишга ожизлик қилиб турганини ҳам билдирибди. Подшоҳ: «Ҳа, шундай бўлган бўлиши керак», дебди.

Ана ўша даврдан бери мазкур мусҳаф то Хоразмшоҳ Шошни вайрон қилгунгача «Абу Мусо маҳалласи»да сақланиб келар эди. Сўнг йўқолди [5:32-33].

Юқоридаги тарихий воқеадан кўриниб турибдики, Муҳаммад Қози қаламига мансуб “Силсилат алорифин” (“Орифлар силсиласи”) асарида Ҳазрат Имом ульиматум мактубга жавоб ёзиш учун 10 кун муҳлат сўрайди. Ўз хизмати эвазига Мусҳафи Усмон Қуръонини сўраб, уни қўлга киритгач 10 кун муҳлат ичида чаққон шогирди орқали уни Табризга кузатиб юборгани баён этилган. Мусҳафи Усмон Қуръони Шош(Тошкент)да “Абу Мусо” маҳалласида Хоразмшоҳ Шошни босиб олгунича сақлангани ёзилган. Демак, Мусҳафи Усмон Қуръони Хоразмшоҳ Шошни эгаллаган пайтда Абу Мусо маҳалласидан ғойиб бўлган экан. Ушбу ривоятдан маълум бўлишича, Муҳаммад Қози яшаган даврда (XV аср) Шошнинг Абу Мусо маҳалласи маълум ва машҳур масканларидан бири бўлган бўлса керак, муаллиф уни шаҳарнинг қайси даҳасида жойлашганини кўрсатмаган. Шунингдек, нима учун Мусҳафнинг айнан шу маҳаллада сақланганлигини ҳам баён қилмаган. Келгусида олиб бориладиган тадқиқотларда бу масалага аниқлик киритилади деган умиддамиз.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Қафғол Шошийнинг Византия ҳукмдорига ёзган жавоб раддияси Араб халифалиги бошига тушган хавфхатарни бартараф этилишига сабабчи бўлган. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўша пайтда Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда қанчаданқанча машҳур

ва забардаст шоирлар бўлишига қарамасдан Халифа Мутиъиллох (946-974) томонидан Византия ҳукмдорига раддия ёзишдек ўта муҳим вазифани Қафғол Шошийга топширилиши унинг қанчалик зўр истеъдод соҳиби, айти пайтда, қучли дипломат эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Қафғол Шошийнинг дипломатик фаолиятига доир мазкур тарихий воқеа ва ҳолатдан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, ватандошимиз Шарқ дипломатияси тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ансоб. Байрут 1980-82. 10жилд. Б. 211.
2. Ирисов А. Қафғол Шоший // Маънавият юлдузлари. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б. 84-86.
3. Лыкошин Н. Помяните первоучителя // Народный университет. 1918, № 9. С. 1.
4. Маннонов Б. Қафғол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи. -2004. № 4. - Б. 25-34.
5. Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎзР ФАШИ қўлғзмалар фонди, № 6114.– 33 б саҳифа.
6. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Кафғал Шаши – муҳаддис из Ташкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. http://www.sociosphere.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
7. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
8. Мухамедов Нематулло Асатуллаевич. Хастимом - Абу Бакр Кафғол Шоший тарихи. -Тошкент: Янги асп авлоди, 2018. -64 б. <http://library.ziyonet.uz/ru/book/111110>
9. Нодирхон ибн Алоуддин. Абу Бакр Кафғол Шоший ва унинг фаолияти // Совет шарқи мусулмонлари. -1971. -№ 3-4. Б. 9-11.
10. Прозоров С. алКафғал // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. М.: Восточная литература, 2000. Вып. 2. С. 46.
11. Тожуддин Субкий. Табакот шофиёия кубро. -Байрут: Дор алкубро. Байрут: Дор алкутуб ал-илмия, 1999. 3ж. Б. 152.
12. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи / Арабчадан Абдуллох Шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. Т.: Мовароуннахр, 1995. Б. 59.
13. Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом нубало. -Байрут: Муассасат ар-рисола, 1999. 16жилд. Б. 283.
14. Ёкут Ҳамавий. Муъжам албулдон. – Байрут: Дор алфиқр, 1999. 5жилд. Б. 116.